

## Ким рўзадорлигини унутиб қўйса... | Сийрат дарслари (288-дарс)



15:00 / 29.06.2024 2641

446. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким рўзадор бўлсаю, унга қусқи ғолиб келса, қазо қилиш вожиб эмас. Агар ўзи хоҳлаб қайт қилган бўлса, қазо тутсин»**, дедилар.

*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

447. Умар ибн Абу Саламадан – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғларидаги ўғилларидан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Рўзадор ўпса бўладими?» деб сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Мана**

**бундан сўра»**, деб Умму Саламани кўрсатдилар. Шунда у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни қилишларининг хабарини берди. Сўнгра у: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни мағфират қилган», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Аммо, Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳга энг кўп тақво қиладиганингизман ва У зотдан энг кўп қўрқадиганингизман»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

448. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким рўзадорлигини унутиб қўйиб еса ёки ичса, рўзасини охирига етказсин. Уни Аллоҳ таомлантирибди ва сероб қилибди, холос»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

449. Абу Қатода Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан умид қиламанки, Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги йилнинг ва ундан кейинги йилнинг каффороти бўлади. Аллоҳдан умид қиламанки, Ашуро кунининг рўзаси ўзидан олдинги йил (гуноҳлари)нинг каффороти бўлади»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.